

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2019 йил 20 декабрь, жума

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (14.046)

*Баҳоси эркин нархда*


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакат пойтахти Токиода бўлиб турибди.**

Япония мўъжизасига дуч келмаган, унинг ақл бовар қилмас даражадаги юксак технологияларидан ҳайратланмаган одамни топиш қийин. Чунки ҳар куни бу мамлакатда ишлаб чиқарилган, инсон интеллектуал салоҳиятининг бемисл кашфиётлари бўлган кундалик рўзғор буюмларидан тортиб юқори технологиялар, сунъий интеллект ютуқларидан, бошқа минг-минглаб техникалардан фойдаланамиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз.

Одамларда "бу Япониянники" ёки "Японияда ишлаб чиқарилган" деган тушунчани пайдо қилиш учун япон халқига бор-йўғи ярим аср етарли бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида японлар бой табиий ресурсларсиз, инсон тафаккури билан ҳам мўъжиза яратишга қодирлигини исботлаб берди.

Ҳа, япон халқи ўз мўъжизалари билан қанча ҳайратлантирмасин бундан асло ғурурланмайди, аксинча, янада кўпроқ изланади, тиним билмайди, кашфиётлар қилишга интилади. Шу боис Япония кўчаларида хотиржам сайр қилаётган ёки дам олаётган одамни учратмайсиз, ҳамма ўз юмушига, кеч тушиши билан уйига шошади. Муболағасиз, ватанпарварлик, меҳнаткашлик, тадбиркорлик бу тиним билмас халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис Япония ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг олдинги ўринлардан бирида туради, технологиялар экспорти бўйича дунёда етакчилардан саналади.

Ўзбек ва япон халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Миллий ва ахлоқий қадриятлар, бирдамлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халқ учун бирдек хосдир. Бу мамлакатларимизнинг дўстлиги ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларида яққол акс этмоқда.

Ўтган йилларда Ўзбекистон ва Япония икки ва кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришди. Мамлакатимиз Япония билан самимий дўстлик алоқаларини, стратегик шериклик ва ҳамкорликни юксак қадрлайди. Япония Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкори сифатида эътироф этади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кунчиқар мамлакатга расмий ташрифини ҳар икки томон ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-технологик соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим қадам дея баҳоламоқда.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг қуйи палатасида учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима билан Ўзбекистон – Япония парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаол ишлаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кунчиқар мамлакатнинг парламентаризм соҳасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш ва ўзаро алмашинувларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Президенти Япония парламенти қуйи палатаси спикерига юртимизда илк бор ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган Япония Конституциясининг биринчи нусхасини совға қилди.

Шавкат Мирзиёев Вакиллар палатаси мажлислари ўтадиган асосий зал билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто билан учрашди.

Парламентлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, айниқса, жорий йилда қабул қилинган қўшма меморандум доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Таълим, маданият, спорт, гуманитар алмашинув соҳаларида кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси сессиялари ўтказиладиган тарихий зал билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Токиодаги Акасака қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаокани қабул қилди.

Учрашув аввалида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва устувор дастурларни илгари суришга қаратилган кўп йиллик ҳамкорлик учун JICA раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда шерикликдаги лойиҳалар қиймати 4 миллиард доллардан ошди. Узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 3,5 миллиард доллардан зиёд бўлган, жумладан, энергетика, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган янги дастур ўзаро келишиб олинди.

Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, таълим соҳасидаги алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва JICA ҳамкорлигидаги ҳар бир лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Токио шаҳрида дунёга машҳур япониялик архитектор Тадао Андо Ўзбекистон давлат санъат музейини ривожлантириш концепциясига доир таклифларини тақдим этди.

Маълумки, пойтахтимиздаги музейни комплекс реконструкция ва модернизация қилиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилмоқда. Япониялик архитектор Тадао Андо шулар жумласидан.

Учрашувда меъмор томонидан Венадаги "Альбертина" музейи директори Клаус Шрёдер ва "Альтернатив Вельт" компанияси президенти Адриан Барсан билан ҳамкорликда тайёрланган тақдимот намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳани музей ишининг замонавий талаблари ва меъморликдаги илғор ечимларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи асосий тадбирлари 19 декабрь куни Токиода бўлиб ўтди.

Кантэй қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбарини Япония Бош вазири Синдзо Абэ кутиб олди. Улар давлат байроқлари олдида қўл бериб кўришди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 декабрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг анъанавий норасмий учрашувида иштирок этади.**

Тузилмага аъзо давлатлар етакчилари МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиши кутилмоқда.

Ҳамдўстликнинг октябрь ойида ўтган Ашхобод саммитида қабул қилинган қарорга мувофиқ, 2020 йилнинг 1 январидан МДҲга Ўзбекистон Республикаси раислик қилади.

**ЎзА**

## The Economist: ЎЗБЕКИСТОН – ЙИЛ МАМЛАКАТИ

***Буюк Британиянинг "The Economist" журнали талқинига кўра, Ўзбекистон 2019 йилда "Йил мамлакати" номига муносиб, деб топилди. Бу ҳақда журнал расмий сайтида маълум қилинди.***

Нашрнинг ёзишича, бу галги танловда ғолибни аниқлаш осон бўлмаган. Махсус экспертлардан иборат гуруҳ кўплаб давлатларнинг эришаётган демократик ютуқларига алоҳида эътибор қаратган. Бу борада Ўзбекистон катта ютуқларга эришаётгани тан олиниб, юртимиз "Йил мамлакати" дея эълон қилинди.

Ўзбекистонда мажбурий пахта теримининг бекор қилиниши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нашр томонидан юқори баҳоланган.

Хусусан, 2016 йилнинг кузидан республикада ислоҳотлар кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Бу саъй-ҳаракатлар жадал суръатда давом эттирилмоқда, дея қайд этилган журналда.

"Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, минтақадаги энг катта қамоқхонанинг ёпилиши, хорижий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилгани ва қўшни давлатлар билан алоқани яхшилашда қатор чегара пунктлари очилиши ушбу давлатнинг "Йил мамлакати" мукофотига лойиқ кўрилишига асосдир.

Ўзбекистон ҳали узоқ йўл босиб ўтиши лозим, аммо 2019 йилда бошқа ҳеч бир мамлакат бу қадар олдинга силжишни амалга ошира олгани йўқ", дейилади "The Economist"да.

**ЎзА**

## ЮКСАЛИШНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи доирасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан бир қатор учрашувлар режалаштирилгани, булар орасида мен таҳсил олаётган Нагоя университетига ҳам ташриф кутилаётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Табиийки, барча ватандошларимиз каби биз – талабалар учун ўз Президентимиз билан кўришиш, суҳбатида бўлиш зўр қувончли воқеа эди.***

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг ўзаро ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятларга эга Японияга расмий ташрифи юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Нагоя университетида Президентимиз билан учрашиш бахтига муяссар бўлиш хаёлимга ҳам келмаганди. Учрашув олдидан Президентни кутиб турар эканмиз, барчамизни кучли ҳаяжон чулғаб олган эди. Ахир Президентнинг хориждаги талабаларга эътибори, ғамхўрлиги ва самимий муносабат билдириши фахр туйғусини янада кучайтиради, ғурурлантиради.

Бу туйғуни, айниқса, ўз ватанидан узоқда, ота-онасини соғиниб, яқинларидан йироқда илм излаб юрган ёшларимиз ўзларига билдирилган рағбатнинг қудратини жуда яхши билади. Юртдан узоқларда таҳсил олаётган билим даргоҳингга Президентинг келиб, талабалар билан учрашса, қўллаб-қувватласа, янада олдинга интилишга ундаса, бундай фахр туйғусини унутиб бўладими?! Ҳеч качон унутиб бўлмайди!

Нагоя университетида кўплаб давлатлар вакиллари таҳсил олади. Улар орасида дўстларим кўп. Муҳтарам Президентимизнинг университетга келиб, юртимиз ёшлари билан учрашгани дўстларимнинг ҳавасини келтирди. Чунки Нагоя университетида бир неча йил давомида ҳуқуқ соҳасида магистратура ва докторантурада ўқиган давримда бирор-бир хорижий давлат раҳбарининг университетга келиб, ўз фуқароларига гўёки фарзанди каби эътибор қаратганини, ёшларни қўллаб-қувватлаганини кўрмаганман.

Айниқса, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек – Япон қўшма фондини ташкил этишни таклиф этгани барчамизга чексиз қувонч ва юксак ишонч берди. Энди илмий тадқиқотларни, мен каби ёш олимларнинг илмий изланишларини амалга оширишда жуда кенг имкониятлар очилди. Алломалар нур – Шарқдан, дейишган, Президентимиз Японияга ташрифида мазкур фондни ташкил этиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшиш мақсадида илм-фаннинг ҳар жабҳасида изланиб юрган олимларнинг илм йўлини мунаввар нур билан ёритиб берди.

*(Давоми 2-бетда)*

## САЙЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котибининг ўринбосари Омер Кожаман билан учрашув бўлиб ўтди.***

Кенгаш экспертлари Марказий сайлов комиссиясининг таклифига биноан парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни бўйича кузатувни амалга оширади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб бораётган шароитда ўтказилаётгани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги тубдан янгиланиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалмоқда, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли мустаҳкамланиб, сайловлар халқаро стандартларга мос – очиқ-ошкора ва шаффоф ўтиши учун барча шароит яратилаётир.

– Сайлов муносабати билан Ўзбекистонда бўлиб турибмиз, – деди О.Кожаман. – Бу йилги парламент сайловлари "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ўтаяпти. Мамлакатингизда бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар ҳам шу шиорга мос давом этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига қўшилиши туркий тилли мамлакатлар ўртасида дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш, ҳудудда ва жаҳонда тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳам юртингизда бўлаётган ислоҳотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан учрашиб, сайловларга тайёргарлик жараёни, сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлдик. Ушбу сайлов Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқади. Биз ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрмиз.

**Нурилло НАСРИЕВ**

## ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг мамлакатимиз парламент сайловига халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг раиси Кэролин Лэмм билан учрашуви ўтказилди.***

Унда Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Таъкидланганидек, сайловлар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш институти сифатида жамият ҳаётида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кэролин Лэмм илгари ҳам Ўзбекистондаги сайлов кампанияларини кузатгани, бу галги сайлов кампанияси очиқлиги ва шаффофлиги ортиб, сайловчиларнинг ҳам, номзодларнинг ҳам мулоқоти кенгайиб бораётгани, жамоатчиликнинг сайловларга нисбатан қизиқиши ортгани билан фарқ қилиши борасида ўз фикрларини билдирди.

*(Давоми 2-бетда)*

## САЙЛОВ – 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти якунланмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Экологик партияси номидан "Сўз ва иш бирлигини таъминлаш – бош мақсадимиз" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

*3-саҳифага қаранг*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззахда мева-сабзавотчилик тармоғида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-семинар ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этган тадбирда Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масаласи муҳокама этилди.**

**● Туркиянинг "Manas" компанияси директори Корай Алтинел бошчилигидаги ишбилармонлар гуруҳи Наманганда бўлди. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда машинасозлик соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилди.**

**● Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом Виктор Аннинг "Дўстларнинг дўстлари" деб номланган фотокўргазмаси очилди. Экспозицияда рассомнинг 70 асари намойиш этилмоқда. Улар ичида "Бахтлилар вақтни кузатишмайди" ҳамда "Биометрик паспорт учун портретлар" туркум асарлари ўзининг маънога бойлиги билан алоҳида ўрин тутади.**

**● Термиз шаҳрида уй-жойга муҳтож, имконияти чекланган эҳтиёжманд оилаларга Шукрона массивида қад ростлаган замонавий лойиҳалар асосидаги янги уй-жойларнинг калити топширилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Испаниялик шифокорлар қаттиқ совуқ уриши натижасида юраги олти соатга тўхтаб қолган аёлни қутқарди. Хабар қилинишича, Каталонияда 34 ёшли Одри Шумен турмуш ўртоғи Рохан билан тоққа саёҳатга чиққан ва қор бўронига дуч келган. Гипотермия натижасида аёл аввалига сўзлаш ва ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган, сўнгра ҳушидан кетган. Орадан икки соат ўтиб қутқарувчилар етиб келганида Одри Шуменнинг юраги тўхтаган ҳолатда бўлган. Ўша вақтда унинг тана ҳарорати 18 даражагача тушиб кетган. Аёл Барселонадаги касалхоналардан бирига келтирилган. Шифокорлар унинг танасидан бир қисм қонни тортиб олиб, уни кислород билан тўйинтирган ва кейин танасига қайтариб қуйган.**

**● Словакиянинг Прессов шаҳрида кўп қаватли уйнинг тепа қисмида газ портлаши натижасида кучли ёнғин чиқиб, бинонинг юқоридаги тўрт қавати вайрон бўлди. Ёнғин етти кишининг ҳаётдан кўз юмишига олиб келди. Табиий офат туфайли ушбу уйни тўлиқ бузиб юборишга қарор қилинди.**

# ЮКСАЛИШНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Президентимиз мазкур фондни ташкил этишдан мақсад "ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз албатта самарали ва бардавом бўлади" деганида "замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтарган" бу Инсоннинг нақадар илм-фан фидоийси, узоқни кўра оладиган донишманд инсон эканига учрашув залида ўтирганлар ҳам яна бир бор амин бўлди.

Нагоя университети тарихида муҳтарам Мирзиёев Шавкат Миромонович Нагоя университетига ташриф буюрган биринчи Президент экани, дунё президентлари ичида илк бор бизнинг Президентимизга Нагоя университетининг фахрий доктори унвони тақдим этилгани ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз ифтихор туйғусини уйғотди.

Дунё илм-фанига олти нафар физика ва кимё бўйича Нобель мукофоти совриндорларини етказиб берган Нагоя университетининг илмий дарғалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти – муҳтарам Мирзиёев Шавкат Миромонович ҳам қўшилди, бу юртимизда илм-фанга бўлган эътиборнинг ёрқин натижасидир.

Ўрни келганда, Нагоя университетидаги, жумладан, Тошкентга бориб биз – ўзбек ёшларига қарийб 20 йилдан буён сидқидилдан сабоқ берган устозларимга ҳам миллатимизга бўлган ишонч учун миннатдорлик билдираман. Японияда устоз ҳақида гап кетганда "Сенсеи" сўзи қўшиб айтилади ва улар жуда ҳам катта ҳурматга сазовор инсонлар ҳисобланади. Япон устозлари ўз шогирдлари билан шунчалик қунт билан ишлашадики, буни сўз билан таърифлаш қийин. Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган Япон ҳуқуқини тадқиқ қилиш маркази битирувчиларининг барчаси ушбу фикримга тўлиқ қўшилади, деб ўйлайман.

Муҳтарам Президентимизнинг Нагояга ташрифига тайёргарлик кўришда Нагоя университетидаги кўплаб устозларим ва масъул ходимлар, Нагоя университетини тамомлаб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга бевосита ҳисса қўшиб келаётган битирувчилар, шунингдек, айни пайтда Нагояда яшаётган ўзбек ёшлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди. Зеро, уларнинг ушбу жараёндаги самимий меҳнати ҳам Президентимиз ташрифининг қувноқ ва ажойиб ўтишига хизмат қилди.

Япония ривожини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Деярли ҳар бир жараён компьютерлашган. Шу сабабли муҳтарам Президентимиз томонидан Нагояда таҳсил олаётган ҳар бир ўзбек талабасига энг охирги русумдаги ноутбук совға қилингани жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Улар сафида мен ҳам борлигимдан ғурурландим. Бу совға бизни янада тезроқ ва кўпроқ билим олишимизга имконият яратади. Ўйлайманки, ҳар бир талаба ушбу ноутбукдан фойдаланган ҳолда эришган илм ва тажрибаларини юртимиз равнақига, Президентимизнинг ишончини оқлашга йўналтиради.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи давомида Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликка оид жуда кўплаб келишувлар имзоланди. Буларнинг барчаси ҳақида ҳали кўп ёзилади. Мен муҳтарам Президентимнинг севимли университетимизга ташрифидан олган таассуротларимни баён этиш билан чекландим, холос.

Энди университетга ҳар сафар қадам қўйганимда, улуғ устозлар – дунё тан олган олимлар қаторида ўз миллатим фахри, Президентим ҳам борлигини ҳис қиламан. Бу жуда қувончлидир, зеро, бундай гўзал дамлар ҳар бир ёш олимни янада кучлироқ изланишга, янада тиришқоқ бўлишга, миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундаши, шубҳасиздир!

**Умида ҲУСАИНОВА,**
**Нагоя университети докторанти.**
**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ва Синдзо Абэ олий мартабали меҳмон шарафига саф тортган фахрий қоровул олдидан ўтди. Уларга делегациялар таништирилди.

Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида музокара ўтказилди.

Япония ҳукумати раҳбари Президентимизни самимий қутлар экан, ушбу ташриф "Рэйва" ("Гўзал уйғунлик") даврининг биринчи йилида ўтаётганини алоҳида таъкидлади.

Токио мамлакатимиз билан дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратаётгани қайд этилди.

Синдзо Абэ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни юксак баҳолади ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни жонлантиришга фаол ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Япония ҳукумати раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, япон халқини "Рэйва" даври бошлангани билан табриклади.

Мамлакатимиз етакчиси икки томонлама кўп қиррали шерикликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Япония ҳукуматига Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва иқтисодий модернизацияни қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш йўналишлари кўриб чиқилди. Долзарб халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги қайд этилди.

Парламентлараро алоқалар, жумладан, Япония парламентидаги Ўзбекистон билан дўстлик лигасининг фаол иштироки доирасида жонлангани мамнуният билан қайд этилди.

Асосий эътибор мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Икки мамлакат етакчилари ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташрифи доирасида бўлиб ўтган ишбилармонлик тадбирларининг натижалари катта мамнуният билан тилга олинди.

Энергетика, қазиб олиш тармоғи, машинасозлик, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм ва бошқа устувор йўналишларда, аввало, Япония етакчи компания ва банкларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилган ҳолда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш маъқулланди.

Делегациялар раҳбарлари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги орқали молиявий ва молиявий-техник шериклик кенгайиб бораётганини олқишладилар.

Бундан ташқари, ҳудудлараро алоқаларни, тартибли меҳнат миграцияси, таълим, соғлиқни сақлаш, маданий алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Асосий йўналишларда қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва илгари суришнинг институционал механизмлари келишиб олинди.

Учрашув якунида томонлар музокара натижаларидан мамнун эканларини билдирдилар, дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даврини бошлаш борасида қатъий эканларини таъкидладилар.

Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келиш таклифини миннатдорлик билан қабул қилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолади.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида солиқ ва божхона соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар алмашилди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон делегацияси ташрифи доирасида иқтисодиёт, саноат, туризм, илм-фан, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳнат миграцияси, таълим ва спорт соҳаларида, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик бўйича ўндан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

Шундан сўнг икки мамлакат етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Япония билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва янада кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

– Бугун сиёсий, парламентлараро алоқалар, савдо ва инвестиция, инновация, кичик ва ўрта бизнес, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик истиқболларини батафсил муҳокама қилдик ҳамда муҳим келишувларга эришдик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ташриф доирасида Япониянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан йирик лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди. Бу лойиҳалар, аввало, Япониянинг илм-фан ва юқори технологиялар соҳасидаги илғор ютуқларини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этишга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир.

Япония Бош вазири, ўз навбатида, Президент Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолади. Имзоланган салмоқли ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар кенгайишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

– Биз жаноб Президент билан, Қўшма баёнотга асосланиб, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ҳамма соҳаларда ривожлантириш бўйича елкадош бўлиб ишлаймиз, – деди Синдзо Абэ.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги яна бир бор тасдиқланди.

**ЎзА**

# УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ҲАМКОРЛИК

***Куни кеча "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва Беларусь Республикаси ривожланиш банки ўртасида базавий қарз битими имзоланди.***

Ушбу ҳамкорликдан кўзланган мақсад – телекоммуникация, транспорт, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда Беларусь–Ўзбекистон инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш, бунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Беларусь Республикасидан юқори технологик асбоб-ускуна, товар ва хизматларни сотиб олишни молиялаштиришдан иборатдир.

Шунингдек, битим савдони молиялаштириш ва ҳужжатли операциялар каби жабҳаларда банклар ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кенгайтиришни назарда тутади.

– Биз Беларусь Республикаси ривожланиш банкидаги ҳамкасбларимизнинг ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатларини кенгайтиришдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва бунинг учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, – дейди Банк бошқаруви раиси ўринбосари Зафар Азимов. – Ишончимиз комилки, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши банкларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Маълумот учун учун айтиш мумкинки, Беларусь Республикаси ривожланиш банки 2011 йилда ташкил этилган. Банкнинг асосий фаолияти давлат дастурларини молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган.

# "SUMITOMO MITSUI BANKING CORPORATION" БИЛАН 100 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ҲАМКОРЛИК КЕЛИШУВИ ИМЗОЛАНДИ

***Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга давлат ташрифи арафасида ташкил қилинган Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми доирасида Ўзсаноатқурилишбанк "Sumitomo Mitsui Banking Corporation" билан қиймати 100 млн. АҚШ долларилик ҳамкорлик келишувини имзолади.***

Мазкур ҳужжат савдони молиялаштириш, ғазначилик операциялари, Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш каби соҳаларда банклараро ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади

Япония банки молиялаштириш линияси Ўзсаноатқурилишбанкка Япония ва бошқа мамлакатлардан технологик ускуналар ва хизматларни импорт қилишни кўзда тутадиган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ресурс базасини кенгайтириш имконини беради. Қайд этиш жоизки, Япония банки томонидан Ўзсаноатқурилишбанк мижозларига товарлар ва хизматлар экспорт-олди молиялаштирилиши учун ресурс тақдим қилиниши ҳам ушбу келишувда кўзда тутилган.

Маълумот учун "Sumitomo Mitsui Banking Corporation" ва унинг компаниялар гуруҳи ҳам Япония ҳудуди ҳамда унинг ташқарисида кўплаб молиявий хизматлар кўрсатади. Корпорация фаолияти корпоратив ва чакана банк хизматлари, халқаро капитал бозори, венчур капитали ва қимматли қоғозлар хизматларини ўзида қамраб олган.

Корпорация қароргоҳи Чиодо, Токиода жойлашган бўлиб, 38 давлатда 72 бўлинмаси фаолият кўрсатади. Ташкилотда 70 мингга яқин одам ишлайди. 2018 молиявий йил якунларига кўра, банкнинг умумий активлари 1 трлн. 835 млрд. долларни, умумий даромади эса 7 млрд. 140 млн. долларни ташкил этди.

**Банк Ахборот хизмати**

**Сайлов – 2019**

# ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг раиси сифатида сўнгги йилларда Ўзбекистон қонунчилигидаги ўзгаришлар хорижий инвесторларнинг кафолатларини кучайтирганига ва шу тариқа хорижий давлатлар инвесторларининг мамлакатга бўлган ишончи ортиб боришига хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

* * *

***Содиқ Сафоев Ўзбекистондаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган ЕТТБнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши бўйича маслаҳатчиси Георгий Квирикашвили билан учрашди.***

Мулоқот давомида Г.Квирикашвили 2017 йил 20 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев билан Нью-Йорк шаҳридаги учрашуви, шунингдек, парламентлар даражасидаги икки томонлама ташрифларнинг фаоллашгани сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожига янгича руҳ бағишлагани хусусида фикр билдирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, биродарлик, стратегик шериклик тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари барча йўналишлар сингари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Жорий йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига биноан очиқ-ошкора ўтказиш юзасидан изчил ишлар амалга оширилаётгани хусусида сўз юритилди.

Учрашувда Г.Квирикашвили мамлакатимиз парламент сайловига халқаро кузатувчи сифатида таклиф этилганидан мамнун эканини алоҳида қайд этди.

* * *

***Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси Раҳматулла Назаров парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун ташриф буюрган Канада парламенти аъзоси, Жамоалар палатасидаги "Канада – Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Зиёд Абуолтоиф билан учрашди.***

Таъкидланганидек, бу галги сайлов мутлақо янги шароитларда бўлиб ўтмоқда. Унинг очиқлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган тайёргарлик ишлари юқори ташкилий даражада амалга оширилгани эътиборга лойиқ.

Томонлар сайлов халқаро андозаларга тўла мувофиқ ҳолда ўтишига ишонч билдирди. Бу эса Ўзбекистон ўзи танлаган демократик йўлга содиқлигини яна бир бор намоён этади.

Суҳбат чоғида "Канада – Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи доирасидаги ҳамкорлик йўналишлари, жумладан, биргаликдаги тадбирларни ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

# 2020 ЙИЛ УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

"2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2020 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;
- айланмадан солиқ;
- айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

б) Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий ҳокимликлар активлари бўйича давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар ва дивидендлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;
- харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим:

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ шаҳар маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 5 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари тўлиқ шаҳар бюджетига тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) Қуйидаги солиқ турлари туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан, пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳар аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди.

Республика бюджетидан:

Умумтаълим, мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари (тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишли туманлар бюджетларидан молиялаштирилади);

кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари;

Шаҳар бюджетидан:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига берилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш бўйича харажатлар;

умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш;

тажриба тариқасида Тошкент шаҳридаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар;

Туманлар бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин, 2020 йил учун Тошкент шаҳри шаҳар бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Тошкент шаҳар бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджети билан туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар Ғазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. 2020 йил учун туманлар бюджетлари даромадлар ва харажатлар прогнозлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар чекланган миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети Заҳира жамғармаси ҳажми **36,8 млрд. сўм** миқдорида белгилансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимликлари Заҳира жамғармалари маблағларини шаҳар ҳамда туманлар бюджетларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. 2020 йил учун Тошкент шаҳри ва туманлар бюджетларида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ва туманлар бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда шаҳар ҳамда туманлар Кенгашлари томонидан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

12. Туман ҳокимликлари, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловага келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда **5 фоиздан** ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда **5 фоиздан** ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Тошкент шаҳар Кенгаши мурожаатини тайёрласин.

13. Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

14. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ҳамда коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туманлар бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини Тошкент шаҳар Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

16. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари**
**Т.Матибаев**

*2019 йил 13 декабрь*

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

***Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик бузилган туфайли дунёнинг турли жойларида ҳар хил табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби ҳодисалар рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам “акс таъсир”га дуч келмоқда ва эндиликда одамзоднинг соғлом табиий муҳитда яшаши ҳам сўроқ остида қоляпти.***

## “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”НИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭЪТИБОРИМИЗДА БЎЛАДИ



**Эркин ОМОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Ахборот хизмати раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 57-Отчопар сайлов округидан номзод:**

– Биз атроф-муҳитни самарали бошқариш тарафдоримиз! Бу борада, албатта, амалий натижаларга эришамиз. Зеро, ушбу масалага қатъий ишонч билан киришганмиз. Партиямиз атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва инсон саломатлигини яхшилашни назарда тутувчи “яшил иқтисодиёт”ни, хусусан, ресурс тежовчи ва экологик тоза инновация технологияларини кенг жорий этиш ташаббускори бўлади ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

## БУ ЙЎНАЛИШДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

- иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан, хусусан, қуёш, шамол, кичик сув оқими, геотермал ва биомасса энергиясидан фойдаланиш;
- саноатнинг кўп ресурс талаб қиладиган айрим тармоқларида, энергетика, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт-коммуникация тизими ва коммунал секторда инновация, ресурс, энергия, сувни тежовчи ва бошқа экологик тоза технологияларни ҳамда АКТни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш;
- истеъмол хусусиятини йўқотгандан кейин атроф-муҳитга зарар етказадиган ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган товарлар гуруҳига экологик бадал жорий этиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини (“ифлослантирувчи тўлайди” тамойили асосида) такомиллаштириш;
- “яшил иқтисодиёт”га ўтишга эришиш учун инвестицияларни жалб қилиш, молиявий, моддий-техника воситаларини ва интеллектуал салоҳиятни сафарбар этиш.

## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УТИЛИЗАЦИЯСИ ЙИҒИМИ ФУҚАРОЛАРГА ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТМИ?



**Шодиёр АЗИЗОВ, Ўзбекистон Экологик партиясидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 27-Дўстлик сайлов округидан номзод:**

– Бугун халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиб келаётган, мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланган транспорт воситаларининг ўрни ниҳоятда беқиёс. Ўз ўрнида сўнгги йилларда транспорт воситалари сонининг ошиши бу албатта мамлакатимиз иқтисодининг ҳамда халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишидан дарак бериб кишини қувонтиради. Аммо шунинг билан бирга йиллар ўтиши билан фойдаланишда бўлган транспорт воситаларининг эскириши натижасида уларнинг тақдири, тўғрироғи, фойдаланишдан чиққан транспорт воситаларининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсири қандай бўлиши ўз тақдирига бефарқ бўлмаган барчани бирдек қизиқтирса керак.

Бугунги кунда республикамизда 3 миллионга яқин транспорт воситаси мавжуд бўлса, шундан қарийб 1 фоизи истеъмолга яроқсиздир (яъни, йўл транспорт ҳодисаси, фойдаланиш хусусиятини йўқотиши ва бошқалар натижасида). Ўз ўрнида истеъмолга яроқсиз транспорт воситаларини қайта ишлаш тизими мамлакатимизда жорий этилмаганлиги сабабли, ушбу транспорт воситаларидан фойдаланиш хусусиятини йўқотганидан сўнг ҳосил бўладиган истеъмол чиқиндиси тоифасига кирувчи маҳсулотлар атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ишлатилган автомобиль аккумуляторларининг тартибга солинмаган бозори мавжуд. Шу билан бирга, йиғилган аккумуляторлар қўлбола усулда қайта ишланади ва бу жараёнда кўп ҳолларда табиатни ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш талабларига амал қилинмайди.

Аккумуляторларда тирик организмларда тўпланувчи, шунингдек, инсон организмига зарар етказувчи турли металлар – симоб, никель, кадмий, қўрғошин, литий, марганец, цинк каби моддалар мавжуд.

Оғир металлар аккумуляторлардан ажралиб чиқиб ер ости ва усти сувларига тушиши натижасида ўсимликларга таъсир қилади ёки ёниш вақтида инсон организмига тутун билан кириб боради.

Шунингдек, ишлатиб бўлинган транспорт мойларини ёқиш орқали иссиқлик энергияси олинишини аксарият фуқароларимиз билишади. Аммо унинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсири ҳақида билишмайди.

Ишлатиб бўлинган мотор мойи – атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган саноатнинг жуда хавфли чиқиндисидир. Шунинг учун, ўз хусусиятларини йўқотгандан сўнг, бундай мойларни йиғиш ва утилизация қилиш керак.

1 тонна ишлатиб бўлинган мотор мойи ёқилганда, азот ва олтингугурт оксиди, водород хлорид, полиароматик углеводородлар, хлоробензол ва оғир металларни ўз ичига олган тахминан 7 минг метр куб тутун газлари ҳосил бўлади. Буғлар нейропаралитик таъсирга эга, юрак-қон томир, тери ва онкологик касалликларни келтириб чиқаради, кўришнинг қисман ёки тўлиқ йўқолишига олиб келади, иммунитетни заифлаштиради, инсон организмига генетик даражада таъсир қилади ва ҳоказо.

Тупроқ қатламларига қуйиш (тўкиш) оқибатида, ер юзасининг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келади ва у ерда хеч қандай экотизим бўлмайди. Қайта ишланган чиқинди ёғларининг тупроқ ичига кириши, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига сезиларли салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатларида автомобилсозлик саноати мавжуд бўлса, уларнинг аксариятида экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлиғини ва атроф-муҳитни транспорт воситалари чиқиндиларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида транспорт воситаларига нисбатан утилизация йиғими жорий қилинган. Утилизация йиғими Европа Иттифоқи давлатларида 2000 йилдан, Россия Федерациясида 2012 йилдан, Беларусь Республикасида 2014 йилдан, Қозоғистон Республикасида 2016 йилдан ва Украинада 2013 йилдан бошлаб жорий этилган.

Истиқболда, Давлат бюджетига утилизация йиғимидан маблағлар тушуми республикада транспорт воситалари чиқиндиларини утилизация қилиш бўйича инфратузилмани яратишга йўналтирилиши мумкин, бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш имконини беради.

Айни пайтда мазкур қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Таъкидлаш лозим, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш жараёнида депутатлар томонидан кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиб борилмоқда. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида хорижий тажриба ҳам мукаммал ўрганилмоқда. Ҳаволаки нормалардан воз кечилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган моддалар билан тўлдирилмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Экологик партиясининг дастури ва сайловолди дастурига тўла ҳамоҳанг бўлиб, бундай тизимнинг амалиётга жорий қилиниши билан экологик хавфсизликни таъминлаш учун шароитларни яратиш, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитни транспорт воситаларидан фойдаланиш орқали юзага келувчи салбий таъсирдан ҳимоя қилиш, ички бозорни паст самарали ва эски транспорт воситаларидан ҳимоялаш, автотранспорт воситаларини утилизация қилиш механизмларини янада такомиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш, инвестиция ва юқори технологияларни жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва утилизация ишлари билан шуғулланувчи корхоналарни ташкил этиш, утилизация йиғимидан келиб тушган маблағларни утилизация корхоналари фаолиятига йўналтиришга хизмат қилади.

## “АҚЛЛИ ШАҲАР” КОНЦЕПЦИЯСИНИ “ЯШИЛЛАШТИРИШ” ЗАРУР



**Исмоил САГДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Экологик партиясидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 21-Қорасарой сайлов округидан номзод:**

– Ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг Ҳаракатлар стратегиясида ифодаланган вазифаларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2019 йил январда “Ўзбекистонда **“Ақлли шаҳар”** технологияларни татбиқ этиш концепцияси”ни ҳамда уни ҳаётга жорий этиш бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқлади.

“Ақлли шаҳар” тизими ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланиш ҳамда ўзида **“Ақлли транспорт”**, **“Ақлли таълим”**, **“Ақлли тиббиёт”**, **“Ақлли энергетика”**, **“Ақлли сув таъминоти ва сувдан фойдаланиш”**,**“Ақлли уй-жой коммунал хўжалиги”**, **“Ақлли уй”** тадбирлар тизимини жорий қилишни кўзда тутади. Шу билан бирга жорий йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш Стратегияси тасдиқланди.

**Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардир:**

- иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестицияларининг устувор йўналишлари ва харажатларига “яшил” мезонларни киритиш;
- “яшил” иқтисодиёт тамойилларини татбиқ этиш лойҳаларини давлат томонидан рағбатлантиришни таъминлаш;
- “яшил” иқтисодиёт учун кадрларни тайёрлаш;
- “яшил” иқтисодиёт соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва бошқалардир.

“Ақлли шаҳар” ғояси ва технологиялари Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий дастурий вазифалари билан ҳамоҳангдир. Биз шаҳар атроф-муҳитининг асосий компонентларини бошқаришда IT технологияларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш, ахборот коммуникация тизимларидан самарали фойдаланиш тарафдоримиз. Шу билан бирга, бизнинг партия ҳаётимизнинг барча жабҳаларига “яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, замонавий ресурс ва энергия тежамкор экологик тоза технологиялардан кенг фойдаланишни даъват этади. Мазкур жабҳада **“Ақлли шаҳар”** тизимини “яшиллаштириш” таклиф этилади. **“Ақлли шаҳар”** тизими қандай кўринишга эга бўлиши лозим?

“Ақлли транспорт” тизим ости, нафақат барча транспорт воситаларини ўзида қамраб олган ва инфратузилманинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлайдиган уяли операторлар ва GPS ахборотлар тизимини қамраб олган технологик жиҳатдан ҳал этиш мажмуаси, балки атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтиришга, экологик тоза транспортдан фойдаланишга қаратилиши лозим.

“**Ақлли таълим”** тизим ости нафақат онлайн платформа ва оммавий очиқ онлайн курслар бўйича илғор технологиялар ва виртуал реалликка асосланган узоқдан алоқа боғлаш мажмуаси, балки Ўзбекистон Республикаси экологик таълимини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ ёшларнинг узлуксиз экологик таълим ва тарбияси жараёни ҳамдир.

“**Ақлли энергетика тизими”** тизим ости, нафақат ўзида ишлаб чиқаришни, инфратузилмани ва энергия истеъмолини мужассам этган, барқарор иқтисодий самарадор ва ишончли энергетик тизим, балки иссиқлик газларини атроф-муҳитга кам чиқарадиган энергетик самарали, мамлакатнинг энергобалансида салмоқли улушга эга бўлган ҳамда “яшил” тарифларга асосланган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамдир.

“**Ақлли сув таъминоти”** ва сувдан фойдаланишнинг тизим ости нафақат онлайн гидравлик моделлар базаси асосида бошқариладиган сув таъминоти, автоматлаштирилган ҳолда сув ресурсларини олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда сув ресурсларини тақсимлаш, хавфсизлик ва назоратнинг интеграллашган ҳолда беҳуда исроф бўлишини автоматлаштирилган ҳолда аниқлайдиган тизим ҳамда ёғингарчилик оқимини ва сув тошқини хавфини олдиндан огоҳлантиришни бошқаришгина эмас, балки сув ресурсларидан айниқса ичимлик сувидан мақсадли ва оқилона фойдаланишга асосланган тизим ҳамдир.

“**Ақлли уй-жой қоммунал хўжалиги”** тизим ости, нафақат коммунал ресурслар билан таъминлаш ва улардан фойдаланишнинг интелектуал ҳисоб-китобларини мониторинг ва назоратни ўзида мужассам этган барқарор ва иқтисодий тизим, балки энергия ва сувни тежовчи мослама ва ускуналар ҳамдир.

“**Ақлли уй”** тизим ости, нафақат уйдаги барча коммуникацияларнинг уй эгасининг эҳтиёжлари ва истакларини қондиришга мослаштирилган сунъий интеллект орқали бошқаруви, балки экологик нуқтаи-назардан хавфсиз ҳамда электр энергиясини кам истеъмол қиладиган асбоб-ускуналарни бошқарув тизими ҳамдир.

Умуман **“Ақлли шаҳар”** тизимини “яшил” иқтисодиётга ўтиш Стратегиясига мослаштириш лозим.

Шу билан бирга **“Ақлли шаҳар”** тизимини етарли даражада экологик маданият ва билимга эга бўлган шаҳар аҳолисисиз, ичимлик суви, тупроқ, электр ва иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланиш ва чиқиндиларни утилизация қилишсиз татбиқ этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг яқин муддатларда ва 2025 йилгача мўлжалланган “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича вазифалари қуйидагилардан иборат.

- “яшил” иқтисодиёт учун кадрларни тайёрлаш;
- Мамлакат энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини **10 фоизгача** етказиш;
- аҳолининг, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотини **100 фоизгача** етказишга эришиш;
- атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини **1,5 баробарга камайтириш;**
- барча турдаги чиқиндилардан оқилона фойдаланишга эришиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва такрорий фойдаланиш бўйича;
- чора-тадбирларни қабул қилиш орқали уларни қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш, ҳосил бўлаётган саноат чиқиндиларини қайта ишлаш миқдорини 20 фоизгача етказиш;
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг **12 фоизига** етказиш;
- йирик саноат марказлари атрофида **“яшил қалқонлар”** барпо этиш;
- республика ҳудудининг ўрмон билан қопланганлик даражасини **7,6 фоиздан** (3,4 млн. гектар) **15 фоизга** (7 млн. гектар) етказиш.

Ушбу вазифалар мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш Стратегияси билан ҳамоҳангдир.

Партиямизда Ўзбекистоннинг пойтахтида ва бошқа шаҳарларида **“яшил иқтисодиёт”** тамойилларини барча илмий, қонуний, таълим ва амалий жабҳаларда **“Ақлли шаҳар”** Концепциясини татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшишда салоҳият ва ишонч бор. Имкониятлар етарли.

***Сўнгги йилларда юртимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Маънавият



# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ёшларимиз камолоти йўлидаги бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда ёшларнинг китоб ўқиш маданиятини оширишга эътибор янада кучаймоқда.

Улуғ аллома Абдураҳмон Жомий бежизга “Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда” деб айтмаган. Шу боисдан ўқувчиларнинг китоб ўқиш маданиятини ошириш, бадиий асарлар ўқишга қизиқтириш, уларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчиларда инсоний фазилатларни тарбиялаш мақсадида Миробод туманидаги 125-мактаб ўқувчилари иштирокида “Китоб – саккизинчи мўъжиза” деб номланган тадбир ўтказилди. Унда ўқувчиларга китоб бебаҳо бойлик эканлиги, айнан китоб барча даврларда болаларнинг дунёни англаш, дўст орттириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмак бўлиши таъкидлаб ўтилди. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси бўлмиш китобни севинг, қадрланг ва ўқинг”, дея айтган фикрлари таъкидланди.

Тадбирда мактаб маъмурияти, педагог-ходимлар ва ота-оналар қатнашди. Тадбир сўнгида жажжи китобхонларга билим манбаи бўлмиш китоб билан ҳамнафас бўлиш муҳимлиги яна бир бора таъкидлаб ўтилди.

**Холида БАДАЛОВА**

# АСРИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Республикамизда ёшлар ўртасида ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ёш ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятида эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.***

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида “Ёш ҳунармандлар портали” ягона интернет тармоғи яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Парламент комиссиясининг 2018 йил 20 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси “Ҳунарманд” уюшмасида “Ёш ҳунармандлар портали” лойиҳасини амалга ошириш учун 20 000 000 сўм давлат гранти ажратилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан мазкур портал ишланмаси учун 10 000 000 сўм, “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан эса 14 000 000 сўм қўшимча маблағ бериладиган бўлди.

Шоҳрух Бахтиёров фрилансер график дизайнер томонидан яратилган “Ёш ҳунармандлар портали”да ёш авлодни миллий урф-одатлар асосида тарбиялаш, уларни тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва ахборот хуружларидан асраш мақсадида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини оммалаштириш ва бунда ёш ҳунармандларга ўзининг иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун имконият яратишга асосий эътибор қаратилган.

Мухтасар қилиб айтганда, “Уста-шогирд” анъаналарини ривожлантириш орқали самарали натижаларга эришган ҳунармандларнинг амалий тажрибасини кенг жамоатчилик, жумладан, ҳунармандчилик соҳаси, ҳунармандчилик фаолиятини бошламоқчи бўлган жисмоний шахслар ва ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Ёш ҳунармандлар портали” ягона интернет тармоғи ишга туширилди. Порталда “Маҳсулотлар” (каталог), “Хом ашё”, “Уста-ҳунармандлар”, “Ёш ҳунармандлар мактаби”, “Янгиликлар” саҳифалари ўрин олган.

Бугунги кунда мамлакатда ҳунармандчиликнинг айрим турлари ривожланиб бориши билан бир қаторда, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатнинг йўқолиб бораётган анъанавий турлари мавжуд. Хусусан, қўлда гилам тўқиш, тош ўймакорлиги, кандакорлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, қўлда газламалар тўқиш кабиларни ривожлантиришга – жиддий эътибор қаратилмоқда. “Ёш ҳунарманд мактаби” саҳифасида жумладан: “Уста-шогирд” мактаблари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш, “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” шиори остида вилоят, туман, шаҳар ҳамда маҳаллалар кесимида уста-ҳунармандларга “Уста-шогирд” мактаби анъаналарига таянган ҳолда ёшларни шогирдликка бириктириш, ёшларга “Уста-шогирд” усулида такомиллаштирилган видео ўқув дастурлари бўйича ҳунармандчилик сир-асрорларини ўқитиш, порталда ҳунармандчиликнинг зарур адабиётларини топиш имконини беради, “Илмсизга ишонч йўқ, ҳунарсизга қувонч йўқ” шиори остида Республикада фаолият юритаётган 100 дан ортиқ нашриёт-матбаа маҳсулотлари жойлаштирилиб, мутолааси ташкил этилади.

Шунингдек, жамиятда ўз ўрнини топиш истагини билдирган, бирон-бир ҳунарга эга бўлиш хоҳишида юрган ёшлар, хотин-қизларга порталда ҳунармандчилик мактаблари ва уста-ҳунарманднинг фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ўз ҳудудидаги мавжуд “Уста-шогирд” мактаби ёки уста-ҳунармандга онлайн тарзда танлаш орқали ўқув машғулотга ёки шогирдликка ёзилишлари мумкин.

Маҳсулотлар саҳифасида қўли гул ҳунармандларимиз томонидан яратилаётган нодир ҳунармандчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, уларни оммалаштиришга эътибор қаратилади. Жумладан, ҳудудимизда мавжуд кичик ва катта бозорларида ҳунармандчилик маҳсулотларининг турларини кўпайтириш, туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасида сайёҳлар томонидан миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини порталда “Craft and art” МЧЖ орқали харид қилиш мумкинлиги бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, портал орқали (ёш) ҳунармандларнинг ижод намуналарини намоён этиш, ҳунармандчилик маҳсулотларининг электрон каталог базасини ҳудудлар кесимида яратиш ва савдосини ташкил этиш кўзда тутилган.

Хом ашё саҳифасида эса ҳудудларда фаолият юритаётган (ёш) ҳунармандлар ипак ва ипак толасини ҳамда бошқа турдаги хом ашёлар ҳақидаги (статистик) маълумотлардан фойдаланиб, ўзи излаб юрган хом ашё эгаси билан билвосита ва бевосита боғлана олади.

Дунёда фаолият юритаётган ҳунармандларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ўқувчининг ахборот технология имкониятидан турли кўринишда фойдаланаётганлигини инобатга олган ҳолда, янгича кўринишда “Матнли янгилик”, “Видеоинтервью”, “Аудиоинтервью”, “Видеоролик” рукнларига бўлинди. Буларнинг бари янгиликлар саҳифасидан жой олган.

Келгусида “Ёш ҳунармандлар портали” ягона интернет тармоғи нафақат ўзбек ҳунармандлари, балки дунёнинг барча ҳунармандларини ягона интернет тармоққа бирлаштириб, бир-бирлари билан ўзлари эришган ютуқлари ва шахсий маълумотларни ҳамда илм ахборотларини ўзаро алмашиш имконини беради.

Бунинг натижасида дунё жамиятида йўқолиб кетган ва унутилаётган ҳунармандчилик турлари замонга хос ва мос тарзда қайта яратилади.

**Акбар ТОҲИРОВ**

## Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлар маркази томонидан 18.09.2018 йилда № 636784 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “TASHTADJ SAVDO” МЧЖ (СТИР: 305756036) таъсисчининг 16.12.2019 йилдаги № 2-баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, 6-мазе, 15-уй, 31-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: +99890 990-28-21.

Тошкент шаҳри Сергели тумани Давлат хизматлар маркази томонидан 29.02.2016 йилда № 005106-06 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “ORIENT TRADE GROUP” МЧЖ (СТИР 303826868) таъсисчининг 17.12.2019 йилдаги № 3-баённомасига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 2-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 14.12.2017 йилда № 559057 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “ROYAL PACK” ХК (СТИР 305173690) таъсисчининг 18.12.2019 йилдаги № 1-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Хўжаев кўчаси, 10-уй манзилида қабул қилинади.

“IMPORT FOOD TRADE” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларнинг 20.12.2019 йилдаги 4-сонли умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг устав фонди 3 937 150 000 (уч миллиард тўққиз юз ўттиз етти миллион бир юз эллик минг) сўмдан 10 000 000 (ўн миллион) сўмга туширилгани тўғрисида маълум қилади.

Миробод туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўптармоқли поликлиникага тегишли бўлган У-43 № 770601-770620 гача бўлган рақамли меҳнатга лаёқатсизлик варақалари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ал-Хоразмий филиали таркибидаги Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Ўриксор мавзеси, ТХАЙ кўчаси, “Ўриксор савдо комплекси” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Карвон” минибанкини Банк хизматлари марказига айлантириш бўйича мукаммал таъмирлаш ишларни амалга ошириш учун тасдиқланган лойиҳа-смета асосида қурилиш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-30, 16А-уй. Телефонлар: (71) 287-54-41, (71) 270-02-52.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қилинади.

***Яқинда Тошкентдаги “Универсал” спорт саройида таэквондо ITF бўйича ўтказилган халқаро мусобақада икки болакай оппоқ спорт кийимида ўтириб, спортчиларнинг жангини мароқ билан кузатаётганини, ҳар бир ҳаракатини ўрганаётганига кўзим тушди.***

**Болалар спорти**

# УЛАР ЮРТ ШАРАФИНИ ЮКСАЛТИРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН



Улар билан саломлашиб, суҳбатга тортдим.

– Сизлар ҳам спорт билан шуғулланасизми?

– Ҳа. Мен Имронман, бу эса дўстим Асадбек. Биз ҳатто чет давлатга ҳам чиқиб, чемпион бўлганмиз.

– Йўғ-е, ёшинг неччида?

– Мен 8 ёшман, Асадбек эса 10 ёшда. Биз “Жар”даги таэквондо (ITF) тўгарагида Обиджон Абдураҳмонов қўл остида икки йилдан буён шуғулланамиз.

Ҳа, мамлакатимизда навқирон авлодни баркамол этиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлатимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Болалар спортини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароит фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган, замонавий шарт-шароитга эга муҳташам спорт мажмуалари, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, стадионлар, спорт заллари ва майдонлари минг-минглаб ўғил-қизлар учун севимли масканга айланган. Бу ерда улар ўзи танлаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш, тажриба ва маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Авваллари ота-оналар фарзандининг спорт билан шуғулланишини вақтни беҳуда сарфлаш, деб тушунарди. Спорт ва таълим-тарбия бир-бирига зид тушунчадек эди. Боласини спорт тўгарагига беришни истаган айрим ота-оналар ҳам шаҳар ёки туман марказига қатнашига тўғри келарди. Мураббий ва йўриқчилар фақат жисмонан бақувват болаларнигина танлаб оларди. Саломатликни мустаҳкамлаш, соғлиқ учун спорт билан шуғулланиш, деган тушунчаларга ҳамиша ҳам эътибор қаратилмасди.

Энди болалар ва ота-оналарнинг жисмоний тарбия ва спортга муносабати тамоман ўзгарди. Ҳозир ота-оналарнинг ўзи фарзандини спорт мажмуасига етаклаб келмоқда. Чунки, шаҳар ва қишлоқларимизда, энг чекка ҳудудларда ҳам спорт билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бугун жисмоний тарбия ва спорт фарзанд тарбиясининг муҳим мезонига айланганi, соғлом турмуш тарзи, жисмоний ва маънавий камолот сингари муштарак тушунчалар кундалик ҳаётимизда мустаҳкам ўрин олаётганидан далолатдир.

Буни пойтахтимиздаги “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида жойлашган таэквондо (ITF) тўгараги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур тўгаракда юздан ошиқ болалар ўз маҳоратини ошириб келмоқда.

– Давлатимиз раҳбари оммавий спорт инсон ҳаётида, оила мустаҳкамлигида муҳим ўрин тутиши, жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишда, ёшларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этишини доимо таъкидлаб келади, – дейди таэквондо (ITF) бўйича мураббий Обиджон Абдураҳмонов. – Спорт ёшларнинг дунёқарашини шакллантиради. Бола спорт билан банд бўлса, оиласига, атрофга янада теранроқ нигоҳ билан қарай бошлайди. Унда меҳр-оқибат, аҳиллик ва масъулият туйғуси кучаяди. Айниқса, фарзандларимизнинг кичик ёшдан жисмоний тарбия ва спортга дўст тутингани улар тарбияси учун ғоят аҳамиятлидир. Шу боис фарзандини қўлидан етаклаб мажмуамизга келаётган ота-оналар сафи тобора кенгаймоқда.

Ушбу тўгаракда ёзги футбол, қишки спорт зал, жисмоний ҳолатни тиклаш учун тренажёр зали, ювиниш ва кийиниш ҳамда тиббиёт хоналари болалар ихтиёрида бўлса, ота-оналар учун кутиш хонаси ҳам мавжуд.

Ана шундай барча имкониятларга эга бўлган тўгаракда О.Абдураҳмонов қўл остида шуғулланаётган Имрон Ҳабибуллахўжаев, Нозима Абдуллаева, Исмоил Убайдуллаев, Диёрбек Бадалов, Асадбек Самандаров, Дилмурод Султонмаҳмудов, Абдулқодир Абдуллаев, Абдуворис Тоиров, Абдураҳим Тоиров, Жалолиддин Акмалов, Муҳаммадризо Комилжонов, Эъзоза Раҳмонова, Бахтиёр Ниғматов, Лутфуллоҳ Ниғматуллаев, Муҳаммадсолиҳ Раҳматуллаев, Абдуллоҳ Абдухалилов каби ёш спортчилар бир қатор халқаро турнирларда ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда шоҳсупага кўтарилиб келмоқда.

– Спорт билан шуғулланаётганимдан буён касаллик нималигини билмайман, ҳатто шамолласам ҳам уйда машқлар қиламан ва тез соғаяман, – дейди Асадбек Самандаров. – Мураббийимга ҳавас қиламан, шу сабабли ҳам келажакда улар каби жаҳон ва Осиё чемпионатларида шоҳсупага кўтарилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

– Ўғлим Имрон икки йилдан буён таэквондо билан шуғулланади, – дейди Камрон Рашидхўжаев. – Унинг жисмонан соғлом, энг асосийси, ҳаётда қоқилмай, қийинчиликларга бардош бера оладиган, иродали инсон бўлиб вояга етишида спорт муҳим ўрин тутишига ишонаман. У спорт орқали чет давлатларга чиқди, мамлакат чемпиони, халқаро турнир ғолиби бўлди.

Ҳа, спорт билан шуғулланган бола ўз ҳаёт йўлига эга бўлади, ўзига ишонади ва ўзлигини яхши англайди. Ўзига ишонган авлод эса том маънода эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

***Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда қоидаларга риоя қилмаслик ёнғинларни юз беришига сабаб бўлмоқда.***

Ачинарлиси куйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсмирлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг олдини олган бўламиз.

**Тоҳир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли Виртуал қабулхона биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнғин.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг беparволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади. Билиб туриб ўзи ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади.

**Файзулла САЙДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, катта сержант**

* * *

Олов – “тилсиз ёв”. Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамиша ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Бугун жаҳонга юз тутаётган мамлакатимиз бойликларини, табиат ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқароларни ўт балосидан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки ҳамманинг бурчидир. Ёнғинларни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осон, буни эса эсдан чиқармаслигимиз зарур.

**Элёр МАЖИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

* * *

Кўп ҳолларда ёнғинларнинг юз беришига ўзимиз сабабчи бўлиб қоламиз. Мана шу бепарволигимиз оқибатида эса кўплаб нохушликлар келиб чиқади.

Шу ўринда ёнғиннинг моҳиятига назар солмоқчимиз. Хўш ёнғин ўзи нима? Ёнғин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий бойликларни йўқ қилиб ташланиши билан бирга кечувчи, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёнидир.

Кўриниб турибдики, халқ мулкини “тилсиз ёв”дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу ишда нафақат ушбу соҳа ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

**Акбар АЛМЕТОВ,**
**Суннатилла ДАДАБАЕВ,**
**Ғиёсиддин УМАРБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспекторлари**

* * *

Ёнғин – тезлик билан тарқалувчи, инсонлар ҳаётига катта хавф солувчи улкан офат. Шу боис ҳам унинг олдини олиш, ўзимиз, фарзандларимиз, хонадонимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун ҳамиша ҳушёрликни қўлдан бермаслигимиз керак.

“Бепарволик – умр заволи” деган нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларга эътиборсиз ва бепарво бўлмайлик.

**Шавкат УМАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЁХБ инспектори, катта сержант**

* * *

Корхона ва ташкилот бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Бу билан биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Айниқса қиш кунлари иситиш ёки электр тизимлардаги печка мўрилардаги арзимасдек кўринган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёниб турган газ ёки электр плитасини қаровсиз қолдириш, бошқаришни болаларга ишониб қўйиш ҳам хавфсизлигингизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

**Бахтиёр ЮЛДАШЕВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ бошлиғи, подполковник**

* * *

Халқ мулки, турар-жойини ёнғин офатидан асрашда тарғиботнинг ўрни муҳим.

Аҳолига ўз уйларида ёнғинларнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларни яна бир бор эслатиб ўтамиз: очиқ алангадан фойдаланганда эҳтиёт чораларини кўринг; электр билан ишлайдиган анжомларнинг соз эканлигини мунтазам тарзда назорат қилиб туринг; қўлбола ва носоз иситиш мосламаларидан асло фойдаланманг; электр симларини уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг.

**Нуриддин ХАТАМОВ,**
**Миробод тумани ЁХБ ЁН ва ПБ катта инспектори, майор**

* * *

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғинлиги барчага аён.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз бу офатга қарши ёхуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

**Сарвар АМАНТУРДИЕВ,**
**“Маърифат маркази” ЁХБ инспектори, катта лейтенант**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан юртимизни табиий бойликлари, иқтисодий манбалари ва инсонлар хавфсизлигини сақлаш, шунингдек, тинчлигини барқарорлаштиришда уларнинг хизматлари беқиёсдир.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Фурқат ТУРСУНОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ЁХБ ЁН ва ПБ бошлиғи, майор**

**Божхона**

# ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ АСРАЙЛИК

Товар-моддий бойликларини яширинча олиб ўтишга бўлган уринишларга қарши божхоначилар томонидан самарали кураш олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Келес темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан хориждан кириб келаётган йўловчи поезди вагонлари белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилди.

Натижада поезд вагонларининг бирида йўловчи фуқаролар С.Н. ва И.Р. томонидан тегишли ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 34,4 миллион сўмлик товар-моддий бойликларини божхона назоратидан яширган ҳолатда мамлакатимизга олиб кираётгани аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

# БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШГА БЎЛГАН УРИНИШ

Божхона тўловларидан бўйин товлаш мақсадида божхона назоратини четлаб ўтишга уриниш ҳолатларига қарши божхоначилар томонидан самарали кураш олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Чуқурсой” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритаётган корхона номига хориждан келган “Уй-рўзғор буюмлари” товарлари божхона кўригидан ўтказилди.

Текширув давомида юклар орасида ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча бўлган, умумий қиймати 7,2 миллион сўмлик 240 дона “Зираворлар учун шиша идиш” товарлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, “Сергели” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан хориждан яна бир корхона номига келган товарлар божхона кўригидан ўтказилганида божхона юк декларацияси ва юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган, умумий қиймати 20 миллион сўмлик 250 метр “Кимёвий толали мато” ҳамда ҳужжатларда кўрсатилмаган 9 дона “Кўрпа” товарлари борлиги аниқланди.

Яна бир шунга ўхшаш ҳолатда мазкур божхона пости ходимлари томонидан корхона номига хориждан келган юкларни божхона кўригидан ўтказиш давомида божхона юк декларациясида ҳамда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган, умумий қиймати 16,7 миллион сўмлик жами оғирлиги 1093 кг. бўлган турли ўлчамдаги “металл профиль” товарлари борлиги маълум бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу товарлар учун божхона тўловлари 5 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

# ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Ёқилғи маҳсулотлари ичида бошқаларига нисбатан хавфлироқ бўлгани – табиий газ ҳисобланади. Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, газ оқимининг бехосдан узилиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни улашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва ёнғин содир бўлиши ҳамда табиий газ ва ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юз бериши мумкин. Натижада бу инсонларнинг турли хил тан жароҳатлари олишлари ёки ҳаётдан кўз юмишига олиб келади.***



Ис гази – хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги, кўмир ва органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳосил бўладиган газдир. Ис гази инсон организмининг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис гази нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди. Заҳарланиш енгил, ўрта ва оғир даражаларда бўлади, бундай ҳолларда бош қаттиқ оғрийди, айланади, қусиш, ҳушдан кетиш юз беради, нафас олиш секинлашади, баъзан ўлимга ҳам олиб келади.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун аввало заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур. Юзаки нафас олиш ёки нафас олиш тўхтаб қолганда сунъий нафас олдира бошлаш лозим. Агар бемор ҳушида бўлса тананинг юқори қисми қисиб турувчи кийимлардан бўшатилади, иссиқ чой ва қаҳва ичирилади. Табиий газ ва ис гази билан заҳарланиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юз беришига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

– Табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўладиган ис газининг салбий таъсири;

– Табиий газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик;

– Иситиш учун мўлжалланган печкалар ҳамда мўриларнинг соз ҳолатда эмаслиги, яхши тозаланмаганлиги ва бошқалар.

Хонада табиий газ йиғилиб қолган ҳолатда зудлик билан қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– Хонанинг ойна ва деразаларини очиб, шамоллатиш;

– Хонадаги электр жиҳозларни ёқмаслик, ёниқ бўлса ўчирмаслик;

– Газ жўмракларини беркитиш;

– Газни беркитишнинг иложи бўлмаса ёки ёрилган, синган ва тешилган жойлар аниқланса газ таъминоти авария-диспетчерлик хизматига хабар бериш.

– Эслатма: газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;

– Ностандарт газ асбобларидан фойдаланманг;

– Газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;

– Агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматларига (Миробод тумани – (71) 254-15-61, М.Улуғбек тумани – (71) 267-46-24, Чилонзор тумани – (71) 278-09-99, Яшнобод тумани – (71) 296-39-61, Яккасарой тумани – (71) 255-49-59, Шайхонтоҳур тумани – (71) 242-39-26, Юнусобод тумани – (71) 212-52-25, Олмазор тумани – (71) 248-35-48, Сергели тумани – (71) 258-84-33, Учтепа тумани – (71) 274-44-34, Бектемир тумани – (71) 295-14-43 ёки “Ҳудудгаз Тошкент шаҳар” МЧЖнинг Марказий авария-диспетчерлик хизматига 104; (71) 255-44-27, 255-44-29, 253-56-31 га мурожаат қилинг.

Ис газидан заҳарланиш, портлаш ва ёнғин чиқиш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Сиз газ истеъмолчиларидан ўз вақтида кўрикдан ўтказилмаган ва носоз дудбўрон газ жиҳозлари, дудбўрон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ташкилотчилар томонидан кўрикдан ўтказилишини таъминлашингизни сўраймиз.

Дудбўронлар ва шамоллатиш йўлларини кўрикдан ўтказувчи ташкилотчилар телефон рақами:

1. Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамияти – (71) 266-35-50.
2. “Бунёдкор таъмир бизнес” МЧЖ – (71) 298-63-82.
3. “Бунёдкор дудбўрон хавфсизлиги” МЧЖ – (71) 298-63-82.
4. “Газ печка таъмир” ХК – (90) 372-25-37.
5. “Учқун таъмир сервис” МЧЖ – (71) 264-13-07.
6. “Perfect trade investment” МЧЖ – (71) 228-57-58.

**ҲУРМАТЛИ ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ!**

Ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида аҳоли томонидан хонадонлардаги ёз мавсумида ишламай турган иситиш жиҳозлари (иситиш печлари, сув иситиш қозонлари, АГВ, АКГВ ва бошқа жиҳозлар) ишга туширилади. Лекин аксарият ҳолларда фуқаролар томонидан ускуналарни ишлатиш йўриқномаси талаблари ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаслиги оқибатида кутилмаган, кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин.

Бундай ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида ёз мавсумида ишламаган жиҳозларни ишга туширишдан аввал, албатта уларнинг дудбўрони (мўрикон, дымоход) ва шамоллатиш (вентиляция) тизимлари соз ҳолатда эканлигини текшириш талаб этилади.

Дудбўронни текшириш қуйидагича амалга оширилади:

1. Дудбўрон ёроқлилигини ускунани ишга туширмасдан олдин ип, енгил қоғоз (салфетка) бўлагини ускуна ёндиргичи остидаги ва алангани кўриш тирқишларига олиб борилади. Агар ҳаво оқими ичкарига ип ёки қоғозни тортса, дудбўрон тортиши қониқарли ҳолатда бўлади. Аксинча бўлса, дудбўрон тортиши қониқарсиз ҳисобланиб, ускунани ишга тушириш қатъиян тақиқланади ва дарҳол мутахассисга мурожаат қилиш талаб этилади.

2. Агар ускуна ишга туширилган бўлса, гурурт алангаси ускунанинг ёндиргичи остидаги ва алангани кўриш тирқишларига олиб борилади. Агар аланга ичкарига қараб тортилса, дудбўрон тортиши қониқарли бўлади. Аксинча, аланга ташқари томонга ҳаракат қилса, дудбўронда носозлик ёки ҳаво ўтказмайдиган қандайдир тўсиқ мавжуд. Бу ҳолатда дарҳол газ ускунасини жўмракдан ўчириш ва “104” телефон рақами орқали боғланиб, мутахассис чақириш шарт! Мутахассис томонидан носозлик бартараф этилиб, дудбўрон тортиши қониқарли ҳолатга келтирилмасдан олдин газ ускунасини ишга тушириш қатъиян тақиқланади.

**“ҲУДУДГАЗ ТОШКЕНТ ШАҲАР” МЧЖ ОГОҲЛАНТИРАДИ!**

Ис гази – инсон ҳаётига жиддий таҳдиддир. Газ истеъмолчилар томонидан “зангори олов”дан фойдаланиш қоидаларига амал қилиниши иситиш мавсумини бехатар ва беталафот ўтказишни таъминлайди!

**“Ҳудудгазтаъминоти” акциядорлик жамияти**
**“Ҳудудгаз Тошкент шаҳар” масъулияти чекланган жамияти**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **21 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, қорга айланиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 1-3 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1246
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ